

October, 30th 2021

CONCEPTS OF MAN, SCIENCE AND TECHNOLOGY - AS AN OBJECT OF PHILOSOPHICAL RESEARCH

Haytboev Boburjon Khamzaevich

The Republican Center for Spirituality and Enlightenment

+998 99 913 23 24

Zhurakulov Jamol Komilovich

Teacher of the Department of Social Sciences,

Pedagogy and Psychology of the Tashkent Institute of Pediatrics Medicine

jurakulovjamol904@gmail.com

+998935916392

Annotation: For a person who is engaged in scientific activities today, the more important is the convergence of science and technology, the more relevant is its application in the field of scientific management.

Keywords: Protector, spirit and body, current techniques, science.

ИНСОН, ФАН ВА ТЕХНИКА ТУШУНЧАЛАРИ – ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОД ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Хайтбоев Бобуржон Хамзаевич

Республика маънавийат ва маърифат маркази ҳодими

+998 99 913 23 24

Журакулов Жамол Комилович

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ижтимоий фанлар, педагогика ва психология кафедраси
ўқитувчиси журакуловжамол904@гмаил.com +998935916392

Аннотация: Бугунги кунда илмий фаолият билан шуғулланувчи инсон учун фан ва техника конвергенцияси қанчалик муҳим бўлса, уни илмий бошқарув соҳасида татбиқ этиш ҳам шу қадар долзарб ҳисобланади.

Аннотация: Для человека, который сегодня занимается научной деятельностью, чем важнее сближение науки и техники, тем актуальнее ее применение в области научного менеджмента.

Калит сўзлар: Протагор, рух ва жисм, хозирги замон техникаси, фан.

Ключевые слова: Защитник, дух и тело, современные методы, наука.

Инсонни ўзининг ўрганиш предмети бўлишига биология, физиология, археология, социология, психология, лингвистика, тиббиёт, педагогика ва бошқа фанлар даъво қиласидар. Бироқ, табиат масалалари га санъат, илоҳиёт, сунъий интеллект назарияси, иқтисод, сиёсат ва инсонлар ҳаётини бошқача гавдалантирадиган қолган соҳаларнинг қизиқишини ҳам кам деб бўлмайди.

Улар билан таққослаганда фалсафа инсон муаммосини унинг борлифи, ҳаёти, тарихи, маданияти, жамият, шахснинг энг кенг маънолари асосида ўрганишга интилади.

Борлик, билиш ва мулоқотнинг кўплаб сирлари инсонда илдиз отгандир. Инсон доимо ўзининг табиат дунёсига, бошқа одамлар дунёсига, ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўзининг ўзига муносабатини билишга интилади, ўз ҳаётининг идеаллари, қадриятлари ва нормаларини аниқлаб олишни истайди. Ҳар бир тарихий даврда маданият инсон табиати ҳақидаги масалани ўзича қўйган ва ўзича ҳал қилган. Инсон – бу шундай жонли мавжудотки, унда (бошқа жонли мавжудотларга қараганда) борлиқнинг онтологик даражаси бошқача намоён бўлади. Инсон ҳаётининг табиий,

October, 30th 2021

табиатли хоссалари эволюцион – генетик тарихнинг ўзоқ давомли жараёнида шаклланди. Факат цивилизация инсон борлигининг маъноси ва мақсадларини излашга мумкинлик берди. Тарихнинг ҳар қандай даврида, ҳар қандай маданиятда ва жамиятда, эртами – кечми инсон ўзининг мавжудлиги ва вазифасини бевосита ёки билвосита аниқлашга ҳаракат қиласи. «Ё ҳаёт, ё ўлим», - («быть или не быть») – мана инсон мавжудлигининг чегараларини белгиловчи чегараси. Инсон ўз борлигининг чегараларини билгиси ва унда чеккаларга ҳам назар солгиси келади. У ўзининг борлигини борлиқ бўймаслик нуқтаи – назаридан қараши мумкин. Ҳар биримиз ҳам ўз борлиғимиз шароитлари ва ўз ҳаётий истиқболимизни ўйлаймиз. Инсоннинг ҳар кунги интилишлари, безовталиги кўп даражада унинг кечаги ёки бугунги куни билан эмас, эртанги куни билан боғланган.

Ҳар ҳолда инсонларнинг ҳаётий тажрибаларини факат ўзларининг борлиқларини аниқлаб олишга ёрдам берадиган манба ва усул бўлибгина қолмасдан, фалсафа тараққиётнинг бизнинг кунларимизгача инсон ҳақидаги таълимотининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келади. Инсон ҳақидаги энг қадимги юонон фалсафий таълимотларининг манбаи бўлиб, инсоннинг коинот архетипи эканлиги ҳақидаги мифологик ғояси хизмат қилган эди. Унинг маъноси макрокосмос (катта дунё) ва микрокосмос (кичик дунё)нинг паралеллиги ҳақидаги, яъни Коинот (Космос) ва инсоннинг паралеллиги ҳақидаги космологик мифдан келтириб чиқарилган эди. Бу ривоятга кўра, инсоннинг коинотий архетипи жисмидан Ернинг пайдо бўлиши келиб чиқар эди. Унинг сужкларидан – тошлар, конидан – дарёлар, соchlаридан – дараҳтлар, нафас олишидан – шамол пайдо бўлади ва ш.ў¹.

Қадимги хинд, хитой ва илк юонон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационал жиҳатлар ола бошлади. Инсон Коинотнинг жон хоссаларига эга бўлган символи деб қарала бошлади. Демокрит инсонни макрокосмоснинг унинг жон хоссаларини ўзида камроқ мукаммаликда акс эттирган аналоги микрокосмос деб фараз қилган эди. Макро ва микрокосмос орасидаги антик аналогия турлича аргументация қилинар эди. Агар одам макрокосмосга ўхшатилса, у ҳолда инсон ҳақидаги тушунча натуралистик, табиий белгиларга эга бўлар эди. (Демокрит варианти). Агар мулоҳазалар микрокосмосдан макрокосмосга йўналтирилса, у ҳолда космик жон ёки рух борлиги худди инсондаги қобилият сингари тушунтирилар эди. (Масалан, Анаксагор ёки Платон) шундай ўйлар эдилар².

Протагор «инсон ҳамма нарса учун меъёрдир» деб тасдиқлар экан, инсонларнинг биргаликдаги яшашларига космик қонунлар эмас, инсон табиати қонунлари асос қилиб олинади, деб уқтирган эди. Бунда оламни билиш ўз – ўзини билишга айланар эди. «Ўз – ўзингни бил!» деганда шу нарса кўзда тутилган эди. Кейинги юонон фалсафаси (масалан, Платин ёки Порфирий) космос тўғрисидаги тасаввурнинг жон (рух) тушунчasi билан, рухни эса ақл тушунчasi билан қориштириб юборди. Шуни айтиб ўтиш керакки, инсоннинг Коинотнинг аналоги бўлган микрокосмос эканлиги ҳақидаги гипотеза вақти – вақти билан ўрта аср фалсафасида (диний – фалсафий, ёки шунингдек, мистик таълимотларда) ва Янги давр фалсафасида (масалан, Лейбницнинг «монода космик универсумнинг инъикосидир», - деган монадологиясида) учраб турди.

Инсон ҳақидаги таълимотда бошидан охиригача мавжуд бўлган мавзулардан бири рух ва жисм (жон ва тана)нинг муносабати масаласидир. Инсон рухи ва жисми турли асосларининг комбинацияси инсон табиатини белгилайди. Пифагорга хос анъана рухни демоник асосга эга, у ўлмайди ва жониворлар ҳамда ўсимликлар таналари бўйлаб сайр этиб юради, деб тасдиқлайди. Жисм рухнинг гўркови ҳисобланади. Бироқ, пифагорчи Филолайнинг қилган фаразига кўра, инсоннинг тақводорлик ҳаётининг мақсади ифлосликлардан тозалаш» катарсис бўлгани учун одамларда ўз айбларини ювиб, ўз рухларини космик асл ватанига қайтариш имкони бор. Гераклит ва Анаксименда рухнинг аҳамияти худди ҳаёт, ҳаво, нафас олиш аҳамиятини касб этиб, дунёвий рух тушунчasi билан мос келади. Платоннинг фикрига кўра, рухнинг ўлмаслиги ва бошиданоқ жисмий эмаслиги (танасининг йўқлиги) уни хис – туйғудан юқори бўлган оламга, гоялар оламига яқинлаштиради ва бу билан, уларни эслаш, хотирлаш орқали билиш имконини яратади. Платон рухни, пастдаги жисмга асира бўлган рухни юксалтиради, унга нисбатан баландларга кўтаради. Рух (жон) фақат инсон ўлганидагина жисм

¹ Джиган О.В. Философские аспекты конвергенции наук и технологий : диссертация ... кандидата философских наук. - Москва, 2017. - 187 с.

² Гайденко П.П. История греческой философии в ее связи с наукой. Изд.стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ 2019. 264с.

October, 30th 2021

зиндонидан қутилади ва унинг чегараларидан ташқарига чиқади. Ўлим танани (жисмни) табиатнинг бир бўллагига айлантиргани сингари, рух ҳам идеал дунёга аралашиб кетади, турли айланишларни, метаморфозаларни бошидан кечиради ва олам бўйлаб чексиз саёҳатларга киришиб кетади. Аристотель жонни (руҳни) космологик шарқлашлардан воз кечди ва унинг уч қобилиягини санааб ўтди: озиқланиш, сезги – туйғули ва ақлий қобилиялари. Озиқланиш қобилияти фақат ўсимликларга, озиқланиш ва ҳис – туйғу қобилияти – жониворларга, ҳар учала ҳосияти – инсонларга ҳосдир. Бундан ташқари, Аристотель жисм ва руҳнинг ўзаро таъсирига эътибор берди. Улар ўзаро шакл ва материя, акт ва потенция нисбатида бўладилар, шу билан бирга инсоннинг фақат интеллектуал (ақлий) руҳигина ўлмаслик, абадийликка эга бўлади³.

Ўйғониш даврида инсонга ва шу билан жисм ва руҳ масаласига янгича ёндошув шакллана бошлади. Фалсафа христианлик доктринасидан воз кечсади ва инсонни ўзининг предметли манфаатлари марказига қўяди. Ўйғониш даври мутафаккирлари инсоннинг ўзи ўз борлигининг эркин ўзлаштиришга қодир, деб фараз қиласди. Инсон танаси гуноҳкорлигини бартараф этиш Ўйғониш маданиятида амалга ошилди. Рух ва жисмни дастлаб рассомлар ва шоирлар тенг ҳуқуқлилик даражасига олиб чиқдилар. Уларда рух метафорик жисмийликка эришди, жисм эса тасвирий руҳланиш касб этди. Улар инсоннинг руҳи ва жисмида инсон шахснинг индивидуаллиги, уникалиги, такрорланмаслиги, алмаштирилиб бўлмаслиги сингари жиҳатларини кўрдилар. Сўнгра рух ва жисм файласуфларнинг столига «кўчди». Бироқ Янги давр классик фалсафаси христиан ақидалигидан узоқлашаолмай, татқиқотларда рух ва жисм орасидаги масофани сақлашда давом этдилар. Жисмнинг ролини аргументлар асосида мухокама қилиш ўрнига у тўғрисида гапирмай қўя қолдилар. Тўғри, Б.Синоза масалан, Библия ақидаларига қарши чиққанларнинг бири бўлди. Унинг жисмга аҳлоқий тус бериши бу ақидага зид эди. Барча одамларда руҳи ва жисмини мувофиқлаштириш учун, Синозага кўра, ягона «руҳ жисм»га тўплаш керак. Р.Декарт фалсафасида рух жисмнинг муносабатини ҳал қилишдаги дуализм узоқ муддат антропологик муаммоларни мухокамасини белгилаб турди. Декарт икки субстанционал асос – фикрловчи рух ва фазодаги жисм (тана) нинг паритетини тасдиқлади. Ундан фарқли равишда француз маърифатчилари орасидан чиққан «жанговор» атеистлар (П.Голбах, Ф.Вольтер, Ж. Ламетри ва б.) руҳнинг жисмга бўлган аҳамиятини пасайтириб, уни руҳнинг ишини машинанинг ишига ўхшатиб талқин қилдилар. Бироқ, руҳни механистик вульгарлаштириш ва жисмни машинага тенглаш кўпларнинг хушига ёқмади. Жисм, илгариги ҳатто сенсуализм ва рационализмнинг интенсив танқидий зиддиятли бўлган даврда ҳам фалсафий тафаккурнинг чекка масаласи бўлиб қолаверди. Тана, жисм ҳақида гуноҳга таалуқли бўлган салбий атамалар билан гапирав эдилар, ҳолбуки, бегуноҳ рух инсоний қадриятлар орасида юқори ўрни эгаллар эди. масалан, рух ва жисм муносабати тўғрисида гапирганида Г.Лейбниц, гарчи жисм гуноҳ ва ёмонликнинг мажмуи бўлса – да, у ҳам ҳақиқатни билиш учун ишлайди ва рух сирларининг очилишига ёрдам беради, деб гапирган эди. И.Кант ўзининг «Соф ақлни танқид» асарида жисмнинг ресурслари ва қобилиятисиз руҳнинг маҳсулдор ишлаши мумкин эмаслигини кўрсатади. Тана тузилиши фазо ва вақт шакллари атамаларида идрок қилиш ёки ҳис қилишининг априор қобилияларининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқарида, танада тасаввурнинг транцендентал қобилияти илдиз отган деб ўйлайшга асос бор. Кантнинг «Амалий ақлни танқид» асарига келсак, унга мувофиқ жисмнинг инстинктив механизmlари ёмонлик механизmlарига ўхшатилади ва бу христианликдаги «биринчи тур гуноҳ» ақидаси сифатида рух хоссаларига қарама – қарши кўйилган⁴.

Ҳозирги кунда рух ва жисмнинг анъанавий антиномияси сезиларли даражада тўлдиришлар ва ўзгаришларга дуч келган. Инсоннинг руҳий ва танавий жиҳатларини ўрганувчи фанлар нуктаи – назаридан улар тўғрисидаги масала алоҳида долзарблик кашф этади. Биринчидан, рух ва тана орасидаги ўтиб бўлмас чегара борлиги ҳақида тезис «вайрон» бўлди. Уларнинг бир – бири билан шартланганлигига шубҳа қолмади. Рух – инсоннинг универсал ва интеграл қобилияти сифатида ўзининг соҳиби – тирик организм, яъни жисм билан алоқадорликда қаралади. Ўз навбатида жисм ҳам юқори даражада дифференциаллашган психик имкониятларга эгадир. Иккинчидан, шу нарса маълум

³ Кошкарян М. Из истории философии. Античная философия Издательство гуманитарной литературы 2009. 240с.

⁴ Гайденко П. П. История новоевропейской философии в ее связи с наукой. Серия:Humanitas Центр гуманитарных инициатив 2012. 456с.

October, 30th 2021

бўлкиди, жисмга нописанд ва багматик қарашни Библияning авторитети ҳам ёки рационализмнинг фалсафий идеаллари билан ҳам оқлаб бўлмас экан. Айнан уларнинг айтганлари таъсирида фалсафада ханузгача жисмни файласуф таҳлил қилиши лозим бўлмаган предмет деб ғайри олмий қараш мавжуд бўлиб келмоқда. Ҳар ҳолда Вена тўгараги файласуфларининг умуман метафизикани, хусусан жисм тана метафизикасии, фантастик ёзувлар қаторига киритишларига оид қарашларида ҳам худди жисмга нисбатан Библиядаги сингари қаллобларга қарашдек дорматиклик бор деб айтишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда рух тушунчаси, ҳақида унинг механистик тасаввuri сингари ҳар қандай вульгарлаштиришларни ҳам қабул қилиб бўлмайди. Бу охирги гапимизни айтишимиздан мақсад шуки, бундай вульгарлаштиришлар ҳозир ҳам учраб туради. Биз бу ерда ўзининг маънавиятсиз ёки жисмлиликсизлиги билан классик фалсафадаги механистик конструкцияларни эслатувчи «сунъий интеллект» моделларини кўзда тутмоқдамиз. Рух ва жисмни вульгарлаштиришга оид энг янги компьютер усувларининг ҳавфлилиги шундаки, улар виртуаль реалликнинг самараси ва имкониятларига кўра ниҳоятда никобланган бўлиши мумкин.

Фалсафий тафаккур тараққиётидан маълумки фан ва унинг инсонпарвар хусусияти тўғрисида ҳар-хил концепциялар, зиддиятли, баҳс-мунозарали қарашлар илгари сурилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун моҳият касб этади. Шу маънода фан ва унинг инсонпарвар хусусияти, ривожланиш босқичидаги мақсад ва вазифаларини илмийлик асосида таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб фалсафий муаммоларидан ҳисобланади. Шунингдек гуманизм ғояларини вужудга келиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этган бўлиб, унинг ривожланиши ва жамият ҳаётида муносиб ўринни эгаллашини тушунтириб олиш ҳам ҳозирда муҳим ижтимоий заруратга айланиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фан ҳам гуманизм ғоялари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Дастреб фан тўғрисида фикр юритадиган бўлсак фан бу инсоннинг фаолияти орқали дунёни англаш борасидаги билимлар тизимиdir. Фан структураси, функцияси ва методологик хусусияти ижтимоий тарихий тараққиёт давомида янада ривожланиб, такомиллашиб келган.

Фан ўзининг динамик хусусияти билан янада мазмундор аҳамият касб этади. Чунки фандаги кўпгина илмий-назарий билимлар ўзгаради ва бу асосида фан тадқиқот обьектининг миқдори кенгайиб боради. Фанда динамик хусусиятни мавдужлиги уни таърифлашда ҳам акс этади. Шу маънода фанни ҳар бир олим турлича илмий ёндашувлар асосида таъриф ва тавсиф этади. Масалан рус файласуфи ва социологи Б.Т.Юдин «фан дунё ҳақидаги инсонни обьектив билимлар тизими ва фаолият йўналиши демакдир»⁵ деган бўлса, ўзбек файласуфи О.Файзуллаев «фан-дунё ҳақидаги обьектив билимлар систэмаси: ижтимоий онг шаклларидан бири»⁶ деб таърифлаган. Умуман олганда фанга берилган таъриф ва тавсифлар мазмунан илмийлик мезонлари, талабларидан четга чиқмаслиги лозим. Шунинг учун кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган таъриф ва тавсифлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ фанни билиш жараёнидаги формуласи ни Д.И.Трядовой қуйидаги жадвал орқали кўрсатиб ўтади.

Фаннинг тадқиқот доирасига кўра предмети эса табиий-илмий билимларни тизимлаштириш, инсонийлик, инсон қадр қиммати тўғрисидаги позитив билимлар тизимидан иборат. Шунингдек фан ўзида табиий-илмий маданият ва гуманитар маданиятни акс эттириши билан алоҳида ажralиб туради. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ўзига хос аксеологик хусусиятга эга. Чунки илм-фан, техника ва технологик тараққиёт илмий билиш тизимида инсонпарвар ғояларни устувор аҳамият касб этишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам фан тўғрисидаги аксеологик концепцияларни турлари бўлган этикавий, синтетик, прагматик, стагнационистик, прогностик кабиларга ажратиб ўрганилади. Бунда этикавий тур фан соҳасида илмий фаолият олиб бораётган олимнинг аҳлоқий кодексдан четга чиқмаслиги ва умуман илмий фаолият соҳасида аҳлоқий меъёрларнинг устувор бўлишга қаратилгандир. Фанни тўғрисидаги аксеологик концепцияни синтетик турида эса табиий-илмий ва гуманитар фанларни ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларига алоҳида эътибор берилади. Прагматик шунда эса техника тараққиёти, энергетика, экология ва бошқа соҳаларда амалий чора-тадбирларни, ишлаб чиқаришни мутлоқлаштириш назарда тутилади. Стагнационистик турда эса табиий-илмий ва ижтимоий билимларни илмий моҳияти консервация қилиниши эътироф этилади. Прогностик турда

⁵ Российская социологическая энциклопедия. Под общей редакцией академика РАН Т.В.Осипова. – М.: Изд. Группа норма-инфра. -М.: 1998. С. 311.

⁶ Фалсафа қисқача изоҳли лугат – Т.: «Шарқ», 2004. 319 б.

October, 30th 2021

фан тараққиёти, ижтимоий ўзгаришлар, техникани ривожланиши табиий қонунларга мос келиши талаб қилинади.

Фан фалсафий нұқтаи назарға кўра қуидагича тавсифланади:

1. Фалсафий фанлар (онтология, гносеология, мантика, социология, этика, эстетика, фалсафа тарихи).
2. Математик фанлар (математик мантика, математика, амалий математика).
3. Ижтимоий фанлар (тарих, археология, этнография, иқтисодий география, иқтисод, хукуқ, санъатшунослик, психология, педагогика, диншунослик ва бошқалар).
4. Табиий ва техника фанлари (механика, астрономия, астрофизика, физика, кимё, одам физиологияси, техник физика, қишлоқ хўжалиги уюшмалари, медицина, тоғ кон саноатига оид фанлар ва бошқалар шулар жумласидандир).

Умуман олганда фан қандай тавсифланмасин инсон ҳаёти учун зарур бўлган гносеологик, технологик, маънавий ва моддий эҳтиёжларни таъминлашдан иборат. Чунки айнан фан инсон организми, атроф муҳит, бепоён олам сирларини ва ривожланиш механизmlарини ўрганиб, улардан жамият равнақи учун унумли фойдаланишга шароит яратиб бериши билан ҳам алоҳида ажralиб туради.

Умуман олганда фан инсоният учун қанчалик фойдали имкониятлар ва қулайликларни яратиб берган бўлса, бундай амалий чора-тадбирларни у албатта техника ва технологияларга суянган ҳолда улардан унумли фойдаланган ҳолда амалга оширган. Шу маънода техника ва технологияни ривожлантириш босқичларини тўғри англаб олиш учун инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида тутган ўрнини илмийлик асосида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Техника ривожланиш босқичларини тарихий аспектда ёритиш билан биргаликда уни фалсафий нұқтаи-назардан таҳлил қилиш ҳам бу мауммони тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

«Техника» тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ҳозирги даврдаги талқини, техникавий билишнинг табиати, техника ва глобал муаммолар доираси, техникани инсонийлаштириш ва техник қадриятлар хусусида маълумот бериш ва фалсафий фикр-мулоҳазаларни илгари суришдан олдин бу атамани луғавий маъноси ва шаклланиш тарихига назар солишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

Техника сўзи юонча ва лотинча *techne* яъни санъат, устамонлик деган маънени билдиради.⁷ Техникага тарихийлик нұқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак у одамзотнинг моддий нарсаларга муайян шакл бериб яшаш учун кураш воситаларини (масалан, тошдан турли асбоб ускуналар) яратиш санъати маъносида, яқин 2 миллион йиллик тарихга, яъни у питекантроп ҳақидаги одамлар фаолиятига бориб тақалади. Фарбий Европада XVII асрдан бошлаб, машина меҳнати шакллана бошлади ва у XX асрга келиб инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олди. Бундай шароитда «техника» атамаси ўзининг илгариги тор маъноси доирасидан чиқиб, одамларнинг эҳтиёжлари ва истакларига мувофиқ равишида, муайян нарсаларни мақсадли ўзгаришиш, уларга шакл бериш, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг иложи борича, кўпинча мослама (машина)лар бажаришига қаратилган ҳамма фаолият йўналишлари маъносини англатадиган бўлиб қолди.

Одамзот меҳнатини енгиллаштириш, турмуш қулайликларига эришиш, табиатнинг стихияли кучлари устидан хукмронликни кучайтириш ўйлида табиат қонунларини кашф этиш, ҳозирги замон техникаси ва технологияси ривожи ҳамда такомили учун шарт-шароит яратиб берди. Бу ҳол, аввало табиатшунослик ва техника фанларининг мисли кўрилмаган даражада ривожланишига олиб келди. атомнинг парчаланиши аён бўлгач, зарралар сир-асрори ялпи автоматлаштириш, бошқаришни компьютерлаштириш даври бошланиб, инсоният эндиликда информатика даврига қадам қўймоқда. Натижада индустрисаллашган жамиятлар вужудга келиб, одамзот ҳаёти ва фаолиятининг техника иштирок этмаётган биронта жабҳаси қолмаяпти.

Техника тараққиёти туфайли бир томондан мисли кўрилмаган даражада турмуш қулайликлари вужудга келиб, инсоннинг яшаш имконияти кенгайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан эса техника ривожи таъсирида у ўзининг ижтимоий моҳиятидан тобора узоқлашиб, анъанавий турмуш тарзининг тарих синовларидан ўтган маънавий-ахлоқий жиҳатларнинг кўпидан маҳрум бўлиб бормоқда.

⁷ Новый философский словарь / Сост. А.А. Триценов.-Мн.: Изд. В.М.Скакун, 1998. С. 712

October, 30th 2021

Ҳозирги замон техникаси одамларнинг муайян ихтисослик бўйича уюшган жамоаси (коллективи)дан чуқур билим, етук малака ва қаттиқ интизомни тақозо этади. Шу туфайли индивид тор, чекланган соҳа билимдони ва малакали функционер (иш бажарувчиси) бўлишга интилиб, унинг хаёт маъноси ва мақсад-муддаоси тўғрисидаги тасаввурлари чекланиб қолмоқда. Жамиятни индустрialiлаштириш жараёни натижасида ғарб мамлакатларида юзага келган цивилизация бўхронининг олдини олиш, истиқболдаги муқаррар ҳалокат туфайли юзага келиши мумкин бўлган келажакка умидсизлик, ишончсизлик ва ваҳима рухининг чекланишига эришиш учун турли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. ғарбча техноген жамиятларини Шарқ донишмандлиги билан қўшиб, ягона чинакам инсоний цивилизацияга асос яратиш имконияти мавжуд, деган фикр илгари сурилмоқда. Шунинг учун биосферанинг ноосфера билан узвий боғлиқлик даврини инсоният ақл-заковати ва унинг меваси – фан – техника муваффақиятларини фақат бунёдкорлик, яратувчилик томонга буриб юборишга буюк ишонч руҳида камол топтириш, тарбияланган янги авлодни шакллантириш фавқулотда аҳамиятли, умуммиллий ва умумбашарий вазифа бўлиб қолаётганини англаш даври келди деб ҳисоблаймиз.

Техниканинг ривожланиши натижасида уни инсон тафаккури ва амалий фаолиятига кўрсатаётган таъсирини турли хил ёндашувлар асосида таҳлил қилиниши асосида фалсафанинг маҳсус йўналиши яъни техника фалсафаси шаклланди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки техника инсон фаолиятининг маҳсус соҳаси сифатида қадимги даврдан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келган қадимги юонон ва Рим, уйғониш даври ва янги давр файласуфлари техникани назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, унинг фалсафий маъносини очиб бериш учун анчагина фаолият кўрсатганлар. Бироқ «техника фалсафаси» атамаси Э.Коннинг 1877 йилда Германияда чиқсан «Техника фалсафаси асослари» китобида илк бор ишлатилган. Техника фалсафаси бу замонавий ғарб фалсафасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланниб, у техниканинг тарихий-цивилизацияйи контекстидаги ижтимоий феномен эканлигини тизимли таҳлил қилишдан иборат фалсафий йўналиш сифатида эътироф этилади.⁸

ХХ асрнинг 60 йилларидан бошлаб анъанавий фалсафий ёндашувларни «моддий маданият» кисмини таҳлил қилиш асосида техниканинг назарий ва амалий фойдали хусусиятлари тўғрисида ўзига хос фалсафий концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилди. Бундай ёндашувларни илгари сурган олим ва файласуфлар қаторига Ф.Ропп (техниканинг амалий хусусиятлари тўғрисида), Эллюль (техникавий дунёқараш), А.Хун (техника антропологияси) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шунингдек техника фалсафасини гносеологик ва методологик нуқтаи назардан ўргангандан файласуф олимлар ҳам муҳим илмий-назарий қарашларни илгари суреба, техника фалсафасини илмий асослари шаклланишида ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Булар П.Энгельмейер, Ж.Ленски, Мак-Люэн, Харкхаймер, Адорно, Хабермас, Маркузе, Т.Роззак, Мемфорд, Х.Шельски, Белл, Тоффлер, А.Гелен, Т.Рополь, С.Карпентер, Талбрейт, Парсоне, Бернхэм, М.Аллен, М.Сореф, Д.Майнихен, Гоулднер, В.Боль, Ж.Уайнстейн ва бошқалар ҳисобланадилар.

Умуман олганда бу олимларнинг нуқтаи назарлари неотехнократик маъно-мазмунга эга бўлиб, асосан тизимни рационал фаолият ва техникани гуманизациялаштириш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ тарзда муҳим илмий-фалсафий қарашлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:“Ўзбекистон”, 2017.
2. Анищенко В.С. Сложные колебания в простых системах. –М.:Наука, 1990. - 312 с.
3. Аршинов В.И. Синергетика как феномен постнеклассической науки. – М.: ИФРАН, 1999. – 203с.
4. Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. Серия "Синергетика: от прошлого к будущему" М.: Изд Едиториал УРСС. 2003. 141.
5. Фалсафа асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.–Б.382.
6. Фалсафа. Қомусий луғат. - Тошкент: Шарқ, 2004.–Б.494.
7. http://e-notabene.ru/wi/article_11137.html

⁸ Новейший философский словарь / Сост. А.А.Трицанов.-Мн.: Скакун, 1998, С. 765.

October, 30th 2021

-
- 8. <http://lib.ru/SECURITY/kvnyshafran.txt>
 - 9. www.unesco.org/youth;
 - 10. www.un.org/esa/socdev/unyin;
 - 11. www.globalfundforwomen.org;